

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**



Ўзбекистон Республикаси Олий ва  
Ўрта махсус таълим вазирлигининг  
2012 йил “26” декабрдаги  
“507” - сонли буйруғи билан  
тасдиқланган.

**Тиббий профилактик фанлар йўналиши**

олий таълим муассасалари таълим йўналиши ва мутахассисликлари умумқасбий  
ва махсус фанлари педагоглари учун малака ошириш  
йўналишининг ўқув дастури

(микробиология, жамоат саломатлиги ва соғлиқни сақлашни ташкил қилиш,  
эпидемиология, умумий гигиена, хамширалик иши мутахассисликлари учун)

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ОЛИЙ ТАЪЛИМ ТИЗИМИ ПЕДАГОГ ВА РАЎБАР КАДРЛАРИНИ ҚАЙТА  
ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШНИ ТАШКИЛ  
ЭТИШ БОШ ИЛМИЙ - МЕТОДИК МАРКАЗИ

Тошкент тиббиёт академияси хузуридаги педагог кадрларини қайта тайёрлаш  
ва уларнинг малакасини ошириш тармоқ маркази

Малака ошириш ўқув дастури Олий ва ўрта махсус, касб-хунар таълим йуналишлари  
буйича ўқув-услугий бирлашмалар фаолиятини Мувофиқлаштирувчи кенгашининг 2012  
йил 25 декабрдаги 4 -сонли баёни билан маъқулланган.

Тузувчилар: Тошкент тиббиёт академияси тиббий профилактика факультети  
микробиология, вирусология ва иммунология кафедраси  
профессори, т.ф.д. И.М Мухаммедов,  
ТМА тиббий профилактика факультети микробиология,  
вирусология ва иммунология кафедраси доценти, т.ф.н. С.Д  
Душанбиева

Тақризчилар: Тошкент тиббиёт академияси юқумли ва болалар юқумли  
касаликлари кафедраси доценти, т.ф.н. Б.В Шукуров  
Тошкент тиббиёт педиатрия институти микробиология  
кафедраси доценти, т.ф.н. Махкамова Д.Э.

Ўқув дастурлари Тошкент тиббиёт академияси Илмий кенгашида тавсия  
қилинган (2012 йил 28 ноябрдаги 4-сонли баённома).

## **Кириш**

Дастур олий таълим муассасалари педагог кадрларининг касбий тайёргарлиги даражасини ривожлантириш, уларнинг илғор педагогик тажрибаларни ўрганишлари ҳамда замонавий таълим технологияларидан фойдаланиш бўйича малака ва кўникмаларини такомиллаштиришни мақсад қилади.

Дастур мазмунида олий таълимнинг долзарб масалаларини ўрганиш, глобал Интернет тармоғидан фойдаланган ҳолда ўқув жараёнига замонавий педагогик ва ахборот технологияларини жорий этиш, педагогнинг шахсий ва касбий ахборот майдонини лойиҳалаш, педагогик маҳоратни ошириш, Ўзбекистоннинг энг янги тарихини билиш, фан, таълим, ишлаб чиқариш интеграциясини таъминлаш, тегишли мутахассисликлар бўйича илм-фанни ривожлантиришнинг устивор йўналишларини, илмий-тадқиқотлар ўтказишнинг самарали методларидан фойдаланишга ўргатиш асосий вазифалар этиб белгиланган.

Шу билан бирга олий таълим муассасалари профессор-ўқитувчиларнинг мунтазам касбий ўсишида интерактив методлар, педагогларнинг таҳлилий ва ижодий фикрлашини ривожлантиришга йўналтирилган инновацион методикалар, масофадан ўқитишни, мустақил таълим олишни кенгайтиришни назарда тутувчи техника ва технологиялардан фойдаланган ҳолда машғулотлар олиб бориш малака ва кўникмаларни ривожлантириш назарда тутилади.

Дастур доирасида берилаётган мавзулар тингловчилар педагог кадрларга қўйиладиган давлат талабларини, замонавий инновацион таълим технологиялари ва уларнинг турларини билишлари, талаба шахси ва унинг хусусиятини ҳисобга олган ҳолда таълимда индивидуаллик ва дифференциал ёндашувга эришувлари ва таълим жараёнларида муаммоли таълим, ҳамкорлик технологияси ва интерфаол усулларини амалда қўллашлари, ахборот технологияларидан таълим-тарбия жараёнида самарали фойдалана олиш кўникмаларига эга бўлишларини таъминлашга қаратилган.

### **Умумий тайёргарлик модули:**

- Ўзбекистон Республикаси Президентининг асарларида жамият ривожини ва таълим–тарбия масалалари;
- Таълим-тарбия жараёнларини ташкил этиш ва бошқаришнинг меъёрий-ҳуқуқий асослари;
- Таълим сифати менежменти.

### **Умумкасбий тайёргарлик модули:**

- Олий таълим педагогикаси ва психологияси;
- Электрон педагогика асослари;
- Таълим технологиялари ва педагогик маҳорат;
- Амалий хорижий тил.

### **Умуммутахассислик бўйича тайёргарлик модули:**

- Тиббий-профилактик фанларни ўқитишда инновацион таълим технологиялари
- Тиббий-профилактик фанларни ўқитишда педагогик маҳорат;

- Тиббий-профилактик фанларни ўқитишда ўқув-услубий таъминот **Мутахассислик бўйича тайёргарлик модули:**
- Тиббий профилактик фанларнинг долзарб муаммолари
- Янги диагностик ва даволаш усуллари

#### **Танлов фанлари модули.**

##### **Курснинг мақсади ва вазифалари**

Олий таълим муассасалари “Тиббий профилактик фанлар (микробиология, жамоат саломатлиги ва соғлиқни сақлашни ташкил қилиш, эпидемиология, умумий гигиена, хамширлик иши)” таълим йўналиши ва мутахассисликлари умумқасбий ва махсус фанлардан дарс берувчи педагоглар малакасини ошириш курсининг мақсади – педагогик фаолиятга назарий ва қасбий тайёргарликни таъминлаш ва янгилаш, қасбий компетентликни ривожлантириш асосида таълим-тарбия жараёнларини самарали ташкил этиш ва бошқариш бўйича билим, кўникма ва малакаларни такомиллаштиришга қаратилган.

Олий таълим муассасалари “Тиббий профилактик фанлар (микробиология, жамоат саломатлиги ва соғлиқни сақлашни ташкил қилиш, эпидемиология, умумий гигиена, хамширлик иши)” таълим йўналиши ва мутахассисликлари умумқасбий ва махсус фанлардан дарс берувчи педагоглар малакасини ошириш курсининг вазифаси – педагогик кадрлар тайёргарлигига қўйиладиган талаблар, таълим ва тарбия ҳақидаги ҳужжатлар, педагогика ва психологиянинг долзарб муаммолари ва замонавий концепциялари, амалий хорижий тил, хорижий таълим тажрибаси, педагогнинг шахсий ва қасбий ахборот майдонини лойиҳалаш, педагог кадрларнинг малакасини ошириш сифатини баҳолаш ишлари мазмунини ўрганишга йўналтиришдан иборат.

#### **Курс якунида тингловчиларнинг билим, кўникма ва малакаларга қўйиладиган талаблар**

##### **Тингловчи:**

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, таълим соҳасида давлат сиёсати ва бошқа қонунчилик ҳамда ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатларни;
2. “Таълим тўғрисида”ги қонун, Кадрлар тайёрлаш миллий дастури ва бошқа қонун ҳужжатларининг қабул қилиниши, моҳияти ва аҳамиятини;
3. Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясини;
4. Таълим тизимини ривожлантиришнинг устувор йўналишларини;
5. Таълим тизимида мулоқот ва коммуникатив жараёнларнинг шакл ва қонуниятларини;
6. Педагогик жараёнлар қонуниятлари ва шахсни ўқитиш, тарбиялаш, ривожлантиришнинг замонавий назарияси ва технологияларини;
7. Таълим соҳасидаги инновацияларни;
8. Жамиятни ва таълимни ахборотлаштириш технологияларини;
9. Тиббий профилактик фанларнинг сўнгги ютуқларини;
10. Мутахассислик фанларини ўқитишдаги илғор хорижий тажрибаларни;
11. Ўқитувчининг инновацион фаолиятини;
12. Замонавий таълим методларини;

13. Электрон педагогика асосларини;
14. Педагогик маҳорат асосларини
15. Тиббий профилактик фанларнинг ривожланиш тарихини;
16. Тиббий профилактик фанлардаги янгиликлар билан танишиш;
17. Микроорганизмлар классификацияси билан танишиш;
18. Юқумли касалликларни келтириб чиқарувчи микроорганизмларни аниқлашда бактериологик усулнинг ахамияти;
19. Серологик усулнинг афзаллиги;
20. Тез диагностикада микроскопик усулнинг ахамиятини билиши керак.

**Тингловчи:**

1. таълим-тарбия жараёнлари мақсадига эришишда муассасанинг фаолиятини таъминлаш;
2. таълим-тарбия жараёнларини ривожлантиришга қаратилган инновацияларни ишлаб чиқиш ва жорий этиш;
3. қабул қилинган қарорларнинг натижасини баҳолаш ва башоратлаш;
4. таълим сифатини назорат қила олиш;
5. тиббий профилактик фанлардан ўқув-методик ҳужжатларни ярата олиш;
6. тиббий профилактик фанларни ўқитиш жараёнида ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиш;
7. Тиббий профилактик фанлар бўйича педагогик фаолиятга инновацияларни татбиқ этишнинг самарали шаклларини;
8. замонавий педагогик технологияларни таълим жараёнига татбиқ этишни;
9. Тиббий профилактик фанларда лаборатория ишларини қўллаш;
10. Тиббий профилактик фанларни ўқитиш фаолиятида хорижий тилдаги манбалардан фойдалана олиш;
11. электрон ўқув материалларини яратиш технологияларини билиши ҳамда улардан тиббий профилактик фанларни ўқитиш жараёнида фойдаланиш;
12. педагогларда касбий компетентликни такомиллаштириш жараёнида ўз-ўзини ривожлантиришга бўлган онгли эҳтиёжни шакллантириш;
13. шахсий педагогик ва методологик маданиятни ривожлантириш;
14. таълим жараёнини ташкил этиш ва бошқариш кўникмаларига эга бўлиши лозим.

**Тингловчи:**

1. касалликларнинг лаборатор диагностикасининг замонавий усулларида фойдаланиш;
2. Тиббий профилактик фанларини ўқитишнинг лаборатория таъминотини яратиш;
3. Тиббий профилактик фанлардан педагогик мониторинг олиб бориш;
4. Тиббий профилактик фанлардан инновацион ўқув машғулотларини лойиҳалаш, амалга ошириш, баҳолаш, такомиллаштириш;
5. Тиббий профилактик фанларни ўқитишнинг ўқув-услубий таъминотини яратиш;

б. коммуникатив вазифаларни хал этиш технологиялари, касбий мулоқот усулларидадан фойдаланиш, ҳамкорлик ишларини олиб бориш **малакаларига** эга бўлиши зарур.

### **Курсни ўқитишда замонавий ахборот ва педагогик технологиялар**

Модуллари ўқитишда дарслик, ўқув қўлланмалар, маъруза матнларининг электрон версияларидан, электрон плакатлар ва бошқа электрон ресурслардан фойдаланилади. Машғулотлар семинар-тренинг шаклида олиб борилади ва кичик гуруҳларда ишлаш каби интерфаол методлардан фойдаланган ҳолда амалга оширилади.

Малака ошириш жараёни 144 соатни ташкил этади. Ўқув юкмаси ҳафтасига 36 соат этиб белгиланган. Ўқув курсини тугаллаган тингловчиларга Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 16 февралдаги 25-сон қарори билан тасдиқланган давлат намунасидаги малака оширганлиги ҳақидаги сертификат берилади.

**Тиббий профилактик фанлар йўналиши** (микробиология, жамоат саломатлиги ва соғлиқни сақлашни ташкил қилиш, эпидемиология, умумий гигиена, хамширалик иши) **малака ошириш курсининг ўқув модуллари ва уларнинг таркиби мазмуни**

### **I. Умумий тайёргарлик модули**

#### **1.1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг асарларида жамият ривож ва таълим–тарбия масалалари**

И.Каримов асарларида жамият тараққиёти тўғрисида янги назарий концептуал ёндошувнинг илмий асослари. Ўзбекистон ижтимоий ҳаётини сиёсий институтлар, мафкуралар ва фикрлар хилма-хиллигига асосланиши. Жамият ривожланиш босқичлари. Мустақиллик ва ўтиш даврининг зарурияти. Тараққиётнинг “Ўзбек модели”нинг ишлаб чиқиши, асосий принциплари. Жамият тараққиётини демократлаштириш ва модернизация қилиш. Эришилган ютуқлар ва унинг истиқболлари.

Демократик жамият куришда ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамияти унинг муҳим шартли эканлиги. Мамлакатда демократик ислохотларни чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясининг ишлаб чиқиши, унинг асосий йўналишлари. Фуқаролик жамиятини ривожлантиришга қаратилган янги қонунлар ва ўзгаришларнинг аҳамияти.

Глобаллашув ва таълим-тарбия тизимидаги замонавий талаблар. Ахборот коммуникация тизими, замонавий педагогик технологиядан фойдаланиш ва унинг афзалликлари. Таълим-тарбиянинг миллий-маънавий негизлари, умумдемokratик принципларга асосланиш, миллий ғоя негизларидан таълим-тарбияда фойдаланиш.

## **1.2. Таълим-тарбия жараёнларини ташкил этиш ва бошқаришнинг меъёрий-ҳуқуқий асослари.**

Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги Қонуни, “Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури”, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари ва фармойишлари, Вазирлар Маҳкамасининг Қарорлари.

Давлат таълим стандартлари, классификатор, ўқув режалар, фан дастурлари, Олий таълим вазирлигининг низомлари, буйруқлари, йўриқномалар ва бошқа меъёрий ҳужжатларнинг мазмуни ва моҳияти.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг ваколатлари, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг ваколатлари, маҳаллий давлат органларининг ваколатлари, Олий таълим муассасаларининг ваколатлари.

## **1.3. Таълим сифати менежменти.**

Умумий сифат менежменти тушунчаси, унсурлари, асосий ғояси ва тамойиллари. Таълим сифати тушунчаси, тавсифлари, бошқариш функциялари ва бошқичлари. Таълим сифатини юксалтириш воситалари.

Олий таълим тизимининг сифатига таъсир этувчи омиллар. Ўқув жараёни сифати. Профессор-ўқитувчиларнинг педагогик маҳорати ва илмий салоҳияти. Олий таълим муассасасининг моддий-техник таъминоти сифати. Олий таълим муассасасининг сифат сиёсати. Таълим маркетинги хизматлари сифати. Битирувчиларнинг сифати.

Олий таълим сифатини баҳолашнинг асосий йўналишлари. ОТМларнинг рейтинги. Ўқитувчи илмий фаолиятининг сифатини баҳолаш мезонлари. Ўқитувчининг маънавий-ахлоқий фаолиятини баҳолаш мезонлари. Мутахассислик фанлари бўйича ўқитувчининг услубий рейтинг баҳосини аниқлаш тартиби. Таълим жараёнини баҳолаш усуллари ва технологияси. АРМ ва кутубхона хизматини баҳолаш. Талабанинг «лавозим имконияти»ни баҳолаш услубиёти. Битирувчи талабаларнинг лавозим имконияти бўйича сифат тоифалари ва белгилари. Факультет ва кафедралар даражасида сифат менежменти.

## **II. Умумқасбий тайёргарлик модули**

### **2.1. Олий таълим педагогикаси ва психологияси.**

Олий таълим педагогикаси ва психологияси фанининг долзарб муаммолари. Таълим жараёни ягона тизим сифатида. Таълим парадигмалари. Педагогик тадқиқот методлари. Олий таълимни модернизациялаш ва оптималлаштириш. Таълим жараёнининг психологик ўзига хослиги. Ўқув мотивацияси ва таълим самарадорлиги. Шахс психологияси ва шахсга йўналтирилган таълим. Педагогик коммуникацияда психологик компетентлик.

### **2.2. Электрон педагогика асослари.**

Ахборот – коммуникация технологиялари ҳақида тушунча, ахборот – коммуникация технологиялари воситалари. Янги ахборот технологиялари, ахборот тизимини бошқариш, ахборот тизимининг функционал ташкил этувчилари. Маълумотларни марказлашган ҳолда қайта ишлаш. Маълумотларни узатиш тизимлари ва уларнинг характеристикаси. Замонавий коммуникацион технологиялар. Таълим жараёнида ахборот-коммуникация технологиялар, интерактив технологиялардан фойдаланиш.

Ўқув мақсадли электрон воситаларни яратиш ва уларнинг сифатини баҳолаш, ўқув-тарбия жараёнининг ахборот-методик таъминотини ва ўқув муассасаси ташкилий бошқарув тизимини автоматлаштириш ва унинг истиқболлари, электрон ўқув материаллар базасининг тузилмаси ва таркиби, таълимий ИНТЕРНЕТ ресурслари ва улардан ўқув жараёнида фойдаланиш.

Педагогик дастурий воситаларнинг умумий таърифи. Электрон ўқув материаллари ва уларнинг турлари. Замонавий дастурлаш тиллари асосида электрон ўқув материалларини яратиш.

Аудиовизуал ахборот: табиати, манбалари, ўзгартирувчилар, ташувчилари. Ўқитишнинг аудиовизуал технологиялари: теле ва видеоконференциялар ва уларни ташкил этиш, аудио, видео ва компьютерли ўқув қўлланмалари, аудио, видео ва компьютерли материалларнинг банки, аудио, видео ва компьютерли ўқув қўлланмаларини яратишнинг дидактик принциплари. Ўқитишнинг интерфаол технологиялари.

### **2.3. Таълим технологиялари ва педагогик маҳорат.**

Таълим технологиялари ва педагогик маҳоратнинг назарий асослари. Таълим технологияси ва шахсга йўналтирилган таълим турлари. Замонавий таълим (модулли, муаммоли, интерфаол, ҳамкорликда ишлаш, индивидуал, информатсион) технологиялари. Олий таълим муассасаларида аудитория ва аудиториядан ташқари таълимни ташкил этиш. Педагогик мулоқот маданияти ва психологияси. Педагогнинг коммуникатив ва креатив қобилиятлари. Касбий компетентлик. Педагогик назокат ва одоб-ахлоқ. Педагогик техника. Нутқ техникаси ва маданияти. Педагогик низолар. Педагогик жараённи технологик лойиҳалаштириш.

### **2.4. Амалий хорижий тил**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 10 декабрдаги “Чет тилларни ўрганиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисидаги” қарорининг моҳияти ва тарихий аҳамияти. Чет тилларда эркин сўзлаша оладиган мутахассисларни тайёрлаш тизимини тубдан такомиллаштириш. Жаҳон цивилизацияси ютуқлари ва дунё ахборот ресурсларидан фойдаланиш. Халқаро ҳамкорлик ва мулоқотларни ривожлантириш. Таълим тизимининг барча босқичларида чет тилларни узлуксиз ўрганишни ташкил қилиш. Чет тилини эгаллаш даражаларининг Европа системаси (CEFR) ва унинг асосий даражалари. Сўз бирикмалари атрофида мулоқот. Сўзлашув ва эшитиш қобилияти. Ишда, ўқишда, бўш вақтларда бўладиган суҳбат малакасини шакллантириш. Эркин касбий мулоқот. Чет тилида илмий мунозара. Туризмга оид мулоқот. Йирик, мураккаб матнлар ва уларни тушуна олиш кўникмаси. Фикрни раво ифодалаш. Чет тилида бўлган интернет матнларининг асосий ғоясини тушуниш. Таржима хусусиятлари. Оғзаки ва ёзма таржима.

## **III. Умуммутахассислик бўйича тайёргарлик модули**

### **3.1. Тиббий-профилактик фанларни ўқитишда инновацион таълим технологиялари**



Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимидаги профессор ўқитувчиларининг малакасини ошириш, уларнинг касбий билимларини давлат талаблари ва жаҳон таълим стандартлари даражасига кўтариш, янгилаш.

Олий таълим тизими педагогларига қўйиладиган давлат талабларини билиши, замонавий инновацион таълим технологиялари ва уларнинг турларини билиши ва амалда қўллай олиши, талаба шахси ва унинг хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда таълимда индивидуаллик ва дифференциал ёндошувга эришуви ва олий таълим тизимида муаммоли таълим, ҳамкорлик технологияси ва таълимнинг интерфаол усулларини қўллай олиши, ахборот коммуникацион технологиялардан фойдалана олиш.

Тиббий-профилактик фанларни ўқитишда инновацион таълим технологиялари модули бўйича касалликларни келтириб чиқарувчи инфекциялар турли хилдир. Уларни аниқлашда лаборатория диагностика усулларининг аҳамияти каттадир. Хозирги замонда инфекцияларни аниқлашда полимераза занжири реакциясининг аҳамияти. TORCH инфекциясини аниқлашда ИФА нинг аҳамияти. Вирусли инфекцияларни текширишда серологик усулнинг аҳамияти.

Тиббий профилактик фанларни ўқитишда янги информацион технологияларни қўллаш (электрон ва мультимедия дарсликлар, масофавий таълим, кейс технологиялар, мультимедияли, маърузалар, мультимедияли амалий машғулотлар, иш ўйинлари, кичик гуруҳлардаги фаолият). Кўникмаларни ўзлаштириш бўйича амалий ишларни ўтказиш учун таълим воситалари ва ўқув ёндошувлар (моделлар ва муляжлар, фильмлар ва интер фаол видео, компьютер дастурлар, мультимедияли компьютерли моделлаш, виртуал реаллик системалари, талабаларни ўзида эксперимент ўтказиш, клиплар, амалий кўникмаларни бажариш). Ўқиш таълимини ҳамма даражаларини – жорий машғулот, оралиқ ва якуний назоратларда прогрессив педагогик технологияларни киритиш.

### **3.2. Тиббий-профилактик фанларни ўқитишда педагогик маҳорат.**

Республикаimizни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг устувор йўналишлари ва таълим-тарбия соҳасида амалга оширилаётган ислохотлар. Педагогик қарашлар тизимига оид жараён ва ҳодисаларни англаш. Тиббий профилактик фанларни ўқитиш орқали таълим ва тарбиянинг мақсади, мазмуни, сифати, шакли, методи, воситалари, тамойиллари, шарт-шароитлари ҳамда жараёнини тавсифлаш. Кадрлар тайёрлаш миллий модели.

Ўзбекистон республикаси олий таълим тизимидаги профессор ўқитувчиларининг касбий маҳоратларини ошириш ва жаҳон таълим стандартлари даражасига кўтариш, янгилаш, касбий маҳорат асослари ва турларини билиши, коммуникатив таъсир кўрсатиш маҳоратини эгаллаши, педагогик такт, педагогик нутққа эга бўлиши ва таълимнинг интерфаол усулларини қўллай олиши, ахборот коммуникацион технологиялардан фойдалана олиш. Тиббий профилактик фанларни ўқитиш фаолиятига инновацияларни тадбиқ этишнинг самарали шакллари. Ўқитувчининг инновацион фаолияти хусусиятлари. Тиббий профилактик фанлар йўналиши

бўйича асосий ва энг охирги адабиётлардан, чет эл олимларининг таржима қилинмаган адабиётларидан, халқаро семинар ва конференция материалларидан, ҳамда миллий жаҳон андозалари асосида тузилган меъёрий ҳужжатлардан фойдаланиш.

Тиббий профилактик фанлар йўналиши қамраб олган мутахассисликларни ҳисобга олган ҳолда уч хил усулдан фойдаланади: бактериялар келтириб чиқарган касалликларни аниқлашда бактериологик усулни қўллаш, вирусли касалликларда вирусологик ва серологик усулларни қўллаш, одам организмини иммун сиситемаси касалликларида иммунологик усулни қўллаш.

### **3.3. Тиббий-профилактик фанларни ўқитишда ўқув-услубий таъминот**

Тиббий профилактик фанларни ўқитиш бўйича ўқув-услубий мажмуанинг таркибий қисмлари, уларни турлари ва ўқув жараёнида қўллаш методикаси. Ўқув – услубий мажмуа ўз ичига олувчи кафедра ҳужжатларини, замонавий технологиялар асосида ўқитишнинг турли ташкиллаштириш шакллариининг услубий материалларини (мавзулар, амалий машғулотлар, мустақил иш, оралиқ ва якуний назоратлар), ўқитувчи кейсни, тарқатма материални, амалий ишлар ва кўникмаларни бажаришни замонавий асбобли таъминотини, фан бўйича асосий ва қўшимча адабиётлар рўйхатидан фойдаланиш. Инновацион ўқув машғулотларининг методик таъминоти. Ўқув машғулотларини инновацион материаллар асосида ташкил этиш ва ўтказиш методикаси. Назарий ихтисослашган конкрет кафедрада тавсия қилинган иш ўйинлари тўплами, OSCE ва бошқа педагогик технологияларни қўлланиш имкониятларини ва усулларини билиб олиш. Намунавий дастурлар, Ишчи дастурлар, ўқув дастурларига қўйиладиган талаблар. Тиббий профилактик фанлар бўйича мажмуа яратиш, технологик хариталар, календар режалар, тест саволларин тузиш қоидалари. Лаборатор ишларни бажаришни ташкил этиш ва назорат қилиш. Таълим воситалари ва уларнинг таркиби.

## **IV. Мутахассислик бўйича тайёргарлик модули**

### **4.1. Тиббий профилактик фанларнинг долзарб муаммолари**

Асосий тиббий профилактик касалликлар ва уларнинг асоратларини келиб чиқиш сабаблари (этиологияси), ривожланиш механизмлари (патогенез), клиникалари, ташхис ва қиёсий ташхислари, ташхислаш ва даволаш усуллари ҳамда уларни олдини олиш (профилактика) чора-тадбирларини ўргата бориш ва шакллантириш методикаси. Хозирги вақтда энг кенг тарқалган ва ижтимоий хавф туғдираётган касалликларнинг сабаблари, қўзғатувчиларини ўз вақтида энг самарали усуллар билан аниқлаш ва тегишли даво муолажаларини тавсия қилиш бўйича муҳим хулосалар қилишга ўргатиш кўзда тутилади. Бу касалликларни келиб чиқиши, кечиши ва асоратлари ҳақида чет эл олимларининг эришган ютуқларидан фойдаланиш, уларнинг ичидан бизнинг шароитимизга мос келадиган тавсияларни танлаб олиш ва қўллаш малакасини ўргатиш мақсадга мувофиқ.

Бактериологик лаборатория структураси. Микробиологик текширишда лаборатория таъминоти. Амалий машғулотларда лаборатория ишларини қўллаш, тоза култура ажратиш олиш методикаси – ҳозирги замон талабларига жавоб берадиган чоарғтадбирларни ишлаб чиқиш тиббий профилактик фанларнинг долзарб муаммоси бўлиб қолмоқда.

#### **4.2. Тиббий профилактик фанларда янги диагностик ва даволаш усуллари**

Тиббий профилактик касалликлар ва уларнинг асоратларини келиб чиқиш сабаблари (этиологияси), ривожланиш механизмлари (патогенез), клиникалари, ташхис ва қиёсий ташхислари, ташхислаш ва даволаш усуллари кўриб чиқилиши кўзда тутилади. Ҳозирги вақтда энг кенг қўлланиладиган диагностик усулларни таҳлил қилиш, уларнинг камчиликлари, бу камчиликларга йўл қўймаслик чора тадбирлари билан таништирилади. Касаллик кўзгатувчиларини ўз вақтида энг самарали усуллар, яъни ёруғлик микроскопияси, электрон микроскопия билан аниқлаш натижалари билан таништирилади. Чет эл олимларининг эришган ютуқларидан фойдаланиш, уларнинг ичидан бизнинг шароитимизга мос келадиган тавсияларни танлаб олиш ва қўллаш малакасини ўргатиш мақсадга мувофиқ.

Микроорганизмларнинг антибиотикларга сезувчанлигини аниқлаш, олинган натижалар асосида тегишли сезгир антимиқроб воситаларни белгилаш, антимиқроб воситаларнинг ҳозирги замон таснифи ва ишлатиш йўллари касалликларни даволашда энг долзарб муаммолардан бири бўлиб қолмоқда.

### **V. Танлов фанлари модули**

Таълим соҳалари йўналишлари бўйича тингловчиларнинг эҳтиёжидан келиб чиқиб олий таълим муассасаси ҳузуридаги тармоқ марказлари танлов фанлар модулининг таркибий қисми ва мазмунини белгилайди.

#### **Амалий машғулотларни ташкил этиш бўйича кўрсатма ва тавсиялар**

Амалий машғулотларда фан бўйича уқув жараёнида лаборатория ишларини қўллаш. Амалий машғулотларда бажариладиган амалий ишларга керакли бўлган лаборатория жихозлари билан таъминлаш. Амалий машғулотлар замонавий лаборатория жихозларига эга бўлган аудиторияларда ҳамда Интернет тармоғига уланган компьютер синфларида ташкил этилади.

#### **Мустақил ишни ташкил этишнинг шакли ва мазмуни**

Тингловчи мустақил ишни муайян модуллар хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда қуйидаги шакллардан фойдаланиб бажаради:

- Реферат (модулга ажратилган соатлар ҳажмидан келиб чиқиб белгиланади).
- Такдимот (танланган мавзу асосида такдимот тайёрланади).
- Мутахассислик фани бўйича ўқув-дидактик материаллар тайёрлаш.
- Мутахассислик фани бўйича машғулотлар ишланмаларини лойиҳалаш.
- Даражали тестлар банкини яратиш.
- Кейслар банкини яратиш.

- Ижодий топшириқлар ишлаб чиқиш.

Мустақил иш мазмуни танланган мавзуга мос бўлиб уни бажаришда куйидагиларга эътибор берилади:

Таркиби:

- титул варағи;
  - кириш;
  - асосий қисм;
  - хулоса;
  - фойдаланган адабиётлар рўйхати;
- илова (интернет тармоғидан олинган маълумотлар, амалий материаллар нусхалари, дарс ишланмаси ва б.).

Мазмуни:

- тавсия қилинган адабиётларни мутоала қилиш;
- мутахассислик фанларида инновациялардан фойдаланиш;
- мультимедия дарсликларини яратиш мезонлари;
- талаба билан индивидуал ишлашда педагогик маҳорат;
- касбий педагогика муаммолари;
- интернетда мавзуга оид маълумотларни излаш ва мутоала қилиш;
- малака ошириш курси давомида мустақил дарс олиб бориш;
- дарснинг маърузаси, тарқатма материаллари, технологик харитасини тайёрлаш;
- касбий педагогиканинг услубий таъминоти муаммолари;
- педагогик фаолиятда анъанавийлик ва инновациялар;
- ўзбек педагогик услубиёти ва унинг модернизацияси.

Мустақил иш мазмуни ва шакли йўналиш таркибидаги модуллар хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда кенгайтирилиши ва ўзгартирилиши мумкин.

**Тавсия этилаётган мустақил ишларнинг мавзулари:**

1. Тиббий профилактик фанларни ўқитишда инновацион педагогик фаолиятнинг назарий асослари.
2. Замонавий педагогик технологиялар орқали тиббий профилактик фанларни ўқитишни лойиҳалаш.
3. Ахборот – коммуникация технологиялари воситалари ва уларни таълим жараёнида қўллаш имкониятлари.
4. Тиббий профилактик фанларни ўқитишда электрон ўқув-методик, интернет материалларидан фойдаланишнинг аҳамияти.
5. Тиббий профиластик фанларни ўқитишда тиббий адабиётлар ва монографиялар билан, илмий–методик қўлланмалар билан ишлаш.
6. Тиббий профилактик фанларини олиб боришда тиббий деонтология асослари
7. Талабаларни амалий билимларини оширишда “клиник аудитнинг” аҳамияти
8. Интеграл семинарларнинг тиббий профилактика фанларини ўқитишдаги аҳамияти.
9. Тиббий профилактика фанларини ўқитишда маълумотлар базаларини, дастурий таъминот ва дастурлаш технологияси.

10. Талабаларни амалий билимларини оширишда муаммоли ўқитишнинг аҳамияти.

11. Тиббий профилактика фанларини ўқитишда тарқатма материални ишлаб чиқиш ва расмийлаштирилган ҳолда топшириш.

12. Тиббий профилактика фанларини ўргатишда вазиятли масалалар мажмуасини ишлаб чиқиш ва унинг аҳамиятини таҳлил қилиш.

13. Мутахассислик фанларини ўрганишда тест назорати саволларини тузиш қоидалари ва уларни таҳлил қилиш.

14. Тиббий профилактик фанларни ўргатишда тажриба моделларини тайёрлаш, иш ўйинларни тузиш.

15. Тиббий профилактик фанларни ўргатишда амалий машғулотлар вақтида кроссворд тузиш, сканвордлар, чайнвордлар, ребуслар ишлаб чиқиш.

16. Тиббий профилактик фанларни ўқитишда қўлланувчи таълим усуллари.

17. Тиббий профилактик фанларда таълимни ташкиллаштириш шакллари.

18. Микробиология, вирусология ва иммунология фанларининг ривожланиши.

19. Микроорганизмлар токсономияси ва классификацияси.

20. Замоनावий педагогик технологиялар орқали мутахассислик фанларини ўқитишни лойиҳалаш.

21. Ичак инфекцияларини диагностикаси. Ҳаво-томчи бактериологик инфекциялар.

22. Ҳаво-томчи вирусологик инфекциялар.

23. TORCH инфекциялар

24. СПИД да оппортунистик инфекциялар

25. Тери-таносил касаллик қузғатувчилари диагностикаси

26. Иммуно танқислик касалликлари.

27. Онкоген касалликларда вирусли инфекцияларнинг роли.

28. Одам организмнинг нормал микрофлорасининг аҳамияти .  
Дисбактериоз тушунчаси.

#### **Дастурнинг инфор­мацион-методик таъминоти**

Модулларни ўқитиш жараёнида таълимнинг замо­навий методлари, педагогик ва ахборот технологияларини қўлланилиши назарда тутилган:

- модулларнинг барча маърузалари бўйича замо­навий компьютер технологиялари ёрдамида мультимедияли тақдимот тайёрлаш;

- амалий машғулотларда педагогик ва ахборот-комуникация технологияларидан кенг фойдаланиш;

- тингловчиларнинг илғор тажрибаларини ўрганиш ва оммалаштириш назарда тутилган.

### Адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. – Т.: Ўзбекистон, 1998.
2. И.А.Каримов. Ўзбекистон миллий истиқлол, истеъдод, сиёсат, мафкура, 1-жилд. – Т.: Ўзбекистон, 1996.
3. И.А.Каримов. Биздан обод ва озод ватан қолсин, 2-жилд. – Т.: Ўзбекистон, 1996.
4. И.А.Каримов. Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир, 3-жилд. – Т.: Ўзбекистон, 1996.
5. И.А.Каримов. Бунёдкорлик йўлида, 4-жилд. – Т.: Ўзбекистон, 1996.
6. И.А.Каримов. Янгича фикрлаш ва ишлаш–давр талаби, 5-жилд.– Т.: Ўзбекистон, 1997.
7. И.А.Каримов. Хавфсизлик ва барқарор тараққиёт йўлидан. 6-жилд. – Т.: Ўзбекистон, 1998.
8. И.А.Каримов. Биз келажакимизни ўз қўлимиз билан қураимиз, 7-жилд. – Т.: Ўзбекистон, 1999.
9. И.А.Каримов. Оллоҳ қалбимизда, юрагимизда. – Т.: Ўзбекистон, 1996.
10. И.А.Каримов. Озод ва обод Ватан эркин ва фаровон ҳаёт пировард мақсадимиз, 8-жилд. – Т.: Ўзбекистон, 2000.
11. И.А.Каримов. Ватан равнақи учун ҳар биримиз маъсулмиз, 9-жилд. – Т.: Ўзбекистон, 2001.
12. И.А.Каримов. Миллий истиқлол мафкураси – халқ эътиқоди ва буюк келажакка ишончдир. – Т.: Ўзбекистон, 2000.
13. И.А.Каримов. Истиқлол ва маънавият. – Т.: Ўзбекистон, 1994.
14. И.А.Каримов. Тарихий хотирасиз келажак йўқ. – Т.: Шарқ, 1998.
15. И.А.Каримов. Юксак маънавият – енгилмас куч. Т.: «Маънавият». –Т.: 2008.-176 б.
16. И.А.Каримов. Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида. Т.: “Ўзбекистон”. –Т.: 2011.-440 б.
17. «Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг қонуни, «Халқ сўзи», 1998 й., 15 май 2- бет.
18. Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар.- Т.:Ўзбекистон, 2000.
19. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 16-февралдаги “Педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва уларни малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида”ги 25-сонли Қарори.
20. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 20 майдаги “Олий таълим муассасаларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш ва юқори малакали мутахассислар тайёрлаш сифатини тубдан яхшилиш чора-тадбирлари тўғрисидаги” ПҚ-1533-сон қарори.
21. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 26 сентябрдаги “Олий таълим муассасалари педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 278-сонли қарори.
22. Мухамедов И.М. ва бошқалар. Микробиология, вирусология ва иммунология дарслик. Тошкент. 2002, 560 б

23. Зокиров Н.А. Микробиологиядан лаборатория машгулотларига доир кўлланма (таржима) Тошкент 1992 270 б
24. Muchamedov I.M va boshqalar Microbiologia, virusologia va immunologia. Darslik, Тошкент 2006 611 б
25. Мухамедов И.М ва бошқалар. Маъруза матнлари (20 маъруза)
26. Мухамедов И.М ва бошқалар. Дарсликни электрон версияси
27. Хаитов Р.Н. Иммунология. Дарслик. Тошкент, 1996 280 б
28. Ҳамма факультет талабалари учун ўқув услубий кўлланмалар:
- а) Геморрагик лихорадка вируслари, уларга характеристика, патогенези, эпидемиология ва лаборатория диагностикаси.
  - б) Мохов касаллигини кўзгатувчисига характеристика, эпидемиологияси, патогенези диагностикаси профилактикаси ва даволаш .
  - в) ОИТС касаллигининг эпидемиологияси диагностикаси ва профилактикаси.
29. Борисов Л.Б. и др. Микробиология, вирусология и иммунология. Учебник, Ленинград, 1994. 520 срт
30. Покровский В.П, Позднеева О.К. Медицинская микробиология. Учебник Москва 1998, 2000, 700 стр
31. Коротяев В.И и др. Медицинская микробиолгия. Учебник. Санкт Петербург, 2002 (Электронная версия).
32. Мухамедов И.М и др. Микробиология и иммунология полости рта в норме и патологии. Учебное пособие. Ташкент, 2005. 176 стр
33. Мухамедов И.М и др. Микроэкология влагалище, ее нарушения и пути их коррекции. Учебное пособие. Ташкент, 2004. 120 стр
34. Мухамедов И.М и др. Микроэкология кишечника в норме и патологии и их коррекция. Учебное пособие. Ташкент, 2005. 260 стр
35. Мухамедов И.М и др. Тексты лекции (20 тем). Ташкент, 2005.
36. Методические разработки для студентов всех факультетов по темам:
- а) Атипичная пневмония
  - б) Вирусные гепатит
  - в) Птичий грипп
36. Борисов Л.Б, Кузьмин-Соколов Б.Н., Фрейдлин И.С., Федорова З.Ф. Руководство к лабораторным занятиям по микробиологии. Учебное пособие. Москва, 1979. 286 стр
37. Борисов Л.Б и др. Руководство к лабораторным занятиям по микробиологии. Учебное пособие. Москва, 1983.
38. Букринская А.Г. Вирусология. Москва, 1986.
39. Петров Р.В. Иммунология. Москва, 1983.

## Интернет маълумотларн:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Матбуот маркази сайти: [www.press-service.uz](http://www.press-service.uz)
2. Ўзбекистон Республикаси Давлат Ҳокимияти портали: [www.gov.uz](http://www.gov.uz)
3. Ахборот-kommunikatsiya texnologiyalari izohli lug'ati, 2004, UNDP DDI: Programme [www.lugat.uz](http://www.lugat.uz), [www.glossaiy.uz](http://www.glossaiy.uz)
4. Ўзбек интернет ресурсларининг каталоги: [www.uz](http://www.uz)
5. Infocom.uz электрон журнали: [www.infocom.uz](http://www.infocom.uz)
6. <http://www.bank.uz/uz/publislVdoc/>
7. [www.press-uz.info](http://www.press-uz.info)
8. <http://www.uforum.uz/>
9. Ахборот resurs markazi <http://www.assc.uz/>
10. <http://www.xabar.uz>
11. [www.ziyonet.uz](http://www.ziyonet.uz)
12. [www.edu.uz](http://www.edu.uz)
13. [www.pedagog.uz](http://www.pedagog.uz)
14. [www.tdpu.uz](http://www.tdpu.uz)



**ИШЛАБ ЧИҚИЛГАН:**



Олий таълим тизими педагог ва раҳбар кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини оширишни ташкил этиш Бош илмий-методик маркази

Директор

У.Ш.Бегимкулов

2012 й.

М.Ў



Тошкент дивизиёт академияси хузуридаги педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тармоқ маркази

Директор

С.Баймаков

2012 й.

**КЕЛИШИЛГАН:**



Соғлиқни сақлаш вазирлиги  
Фан ва ўқув юрлари бош бошқармаси

Бошқарма бошлиғи

Ш.Э.Атаханов

2012 й.

М.Ў